

Ўзбекистон Республикаси номидан Х У К М

2026 йил январь ойининг 05 куни, жиноят ишлари бўйича Боғдод туман суди, очик суд мажлисида, ўз биносида, судья О.Сиддиқовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Мадаминовнинг котиблигида, давлат айбловчиси Боғдод туман прокурори ёрдамчиси А.Мансуровнинг қатнашувида, судланувчи А.Дехқонов ва унинг ҳимоячиси “ADVOKAT SOXIB XOMIDOV” адвокатлик бюроси адвокати С.Хомидовнинг иштирокида, Дехқонов Абдурахмон Худобергановичга оид 1-1507-2501/315-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Дехқонов Абдурахмон Худоберганович, (Dexqonov Abduraxmon Xudoberganovich), 1962 йил 13 ноябрь куни Боғдод туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оиласиз, вақтинча ишламайди, муқаддам жиноят ишлари бўйича Боғдод туман судининг 2018 йил 17 октябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 1-қисми билан 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2022 йил 06 январдаги ажримига кўра, ўталмаган 2 йил 7 ой 28 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилинган, Боғдод тумани, Чекмирзаобод м.ф.й., Беҳибоғ кўчаси, 32-уйда яшайди, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2025 йил 17 декабрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 226-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи А.Дехқонов ўзига нисбатан жиноят ишлари бўйича Боғдод тумани судининг 2025 йил 15 августдаги қарорига асосан 6 ой муддатга маъмурий назорат ўрнатилиб, унга кўра алкоғолли ичимликларни истеъмол қилмаслик, ҳар ойнинг 25 саналарида Боғдод тумани ИИБдан рўйхатдан ўтиш, ички ишлар органларининг рухсатсиз Фарғона вилояти ҳудудидан чиқмаслик каби чекловлари ўрнатилган бўлса-да, 2025 йил 04 сентябрь куни маъмурий назорат қоидасини бузганлиги учун жарима жазосига тортилганидан сўнг, яна 2025 йил 06 декабрь куни соат 01:00да маъмурий назорат қоидаларини бузиб, спиртли ичимлик истеъмол қилиб, маст ҳолатда бўлганлиги аниқланган.

Судланувчи А.Дехқонов суд мажлисида, айбига тўлиқ иқроп бўлиб, ҳақиқатан ҳам муқаддам судланиб, озодликдан маҳрум этилгани, жазони



тўлиқ ўтаб чиққани, жиноят ишлари бўйича Боғдод тумани судининг 2025 йил 15 августдаги қарорига асосан 6 ой муддатга маъмурий назорат ўрнатилиб, алкогольли ичимликларни истеъмол қилмаслик, ҳар ойнинг 25 саналарида Боғдод тумани ИИБдан рўйхатдан ўтиш, ички ишлар органларининг рухсатисиз Фарғона вилояти ҳудудидан чиқиб кетмаслик каби чекловлари ўрнатилгани, бироқ 2025 йил 04 сентябрь куни маъмурий назорат қондасини бузганлиги учун жарима жазосига тортилгани, 2025 йил 06 декабрь куни профилактика инспектори ҳолислар билан бирга яшаш хонадонига келиб текширишган вақтида маст ҳолатда бўлгани сабабли профилактика инспектори далолатнома тузгани, айбига иқрорлигини, ҳақиқатан ҳам маъмурий назорат қоидаларини бузиб, спиртли ичимлиги истеъмол қилгани, оилавий шароити оғирлиги, уйда бир ўзи яшашлиги, нафақадалигини, бошқа жиноят содир этмаслигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги ҳақида кўрсатув бериб, қонуний енгиллик беришни сўради.

А.Дехқонов айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатуvidан ташқари, унинг жиноят содир этганликдаги айби қуйидагилар билан ҳам ўз исботини топган. Жумладан:

гувоҳ М.Эргашевнинг суддаги, ҳақиқатан ҳам А.Дехқонов билан бир маҳаллада яшаб келиши, МФЙда нуроний бўлгани сабабли А.Дехқоновни яхши билиши, А.Дехқонов озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб келганидан сўнг ўзига тегишли хулоса чиқариб, бошқа жиноят содир этмаганлигини, А.Дехқонов уйда маҳалладаги фуқароларнинг чорва молларини яшаш хонадонига боқиб, тирикчилик қилиб келаётгани, 2025 йил 06 декабрь куни соат 01:00да ҳудуд профилактика инспектори томонидан текширилган вақтида, у алкогольли ичимлик истеъмол қилиб, маст ҳолатда бўлганлиги аниқланганидан хабари борлигини, М.Эргашевни бундан кейин қаттиқ назоратга олиши ҳақидаги,

гувоҳ Э.Абдувалиевнинг суддаги, ҳақиқатан ҳам А.Дехқонов билан қўшни экани, А.Дехқонов уйда бир ўзи яшаш келиши, уни оиласи ва болалари йўқлиги, у яшаш хонадонига кўни-қўшнилари молини боқиб тирикчилик қилиши, 2025 йил 06 декабрь куни ишдан келиб А.Дехқоновни уйига киргани, А.Дехқонов яшаш хонадонига 0,5 литр ҳажмли ароқни ичиб ўтирган бўлгани, А.Дехқонов ўзи ичиб ўтирган ароқдан қуйиб узатганида ичмагани, у билан бироз ўтириб сўнг уйига кириб кетгани, шу куни А.Дехқоновнинг уйига профилактика инспектори келиб уни спиртли ичимлик истеъмол қилганлиги ҳолати юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштиргани эшитгани ҳақидаги;

шунингдек, маъмурий назорат ўрнатиш ва узайтириш ҳақидаги қарорлар, тиббий маълумотнома, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар билан ҳам ўз тасдиғини топган.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан А.Дехқоновнинг маъмурий назорат қоидаларини бузганликда ифодаланган жиноий қилмиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 226-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.



Чунки, А.Дехқонов маъмурий назорат қоидаларини бузганлиги учун маъмурий жазога тортилганидан сўнг такроран яна маъмурий назорат қоидаларини қасддан бузиб, жиноят содир этган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, “жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак. Суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади” деб белгиланган.

Суд, юқоридаги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарори талабларига риоя қилиб, судланувчи А.Дехқоновнинг шахсини ва содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳамда жиноят содир этганидан кейинги хулқ-атворини инобатга олиб, унга нисбатан жазо тури ва миқдорини танлашда, унинг айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, нафақадалигини, оилавий шароитини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, илгари ҳам қасддан жиноят содир этганлиги учун судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этганини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, содир этган жиноятининг хусусиятини, унинг ёшини, шахсини эътиборга олиб, унга нисбатан қонун санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, жазони ўташ вақтида алкоғолли ичимликлар истеъмол қилмаслик ва маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ҳамда Фарғона вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмасликдан иборат қўшимча тақиқ, яъни чеклашлар юклашни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят Процессуал кодексининг 454-457, 462-463, 465-468, 471-474-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Дехқонов Абдурахмон Худоберганович Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 226-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Дехқонов Абдурахмон Худобергановичга;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 226-моддасининг 1-қисми яшаш хонадони ҳисобланган Боғдод тумани, Чекмирзаобод м.ф.й., Беҳибог кўчаси, 32-уйни у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлаган ҳолда 1 (бир) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

А.Дехқоновнинг зиммасига:

-алкоғолли ичимликлар истеъмол қилмаслик;



-махкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ва Фарғона вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмасликдан иборат қўшимча тақиқ (чеклаш)лар юклатилсин.

А.Дехқоновга жазони ўташ даврида, унга белгиланган чеклашларни бузган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 6-бандида кўрсатилган оқибатлар юзага келиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Жазони ўташ муддати маҳкум жазоларни ижро этиш инспекцияларида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Боғдод туман суди орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг кассация тартибида шикоят бериши ёки протест келтириши мумкин.

**Раислик қилувчи судья
“Аслига тўғри”**

(имзо)

О.Сиддиқов

Раислик қилувчи судья

О.Сиддиқов

